

АБУ ЖАЪФАР АТ-ТАХОВИЙ

Ўткур Талибов

*Тошкент давлат шарқишунослик
университети магистри*

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовийнинг келиб чиқиши ва насаблари борасидаги манбаларда келтирилган маълумотлар акс эттирилган.

Шунингдек, мақолада алломанинг ҳаёти ва илмий фаолияти батафсил ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Таҳовий, аллома, Миср, Ёқут Ҳамавий, Ибн Асокир, Имом Муслим.

Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовий Мисрнинг юқори қисмидаги Таҳийа, “Китоб ал-ансоб” муаллифи ас-Самъоний (1113-1167) фикрича эса Мисрнинг пастки тарафидаги Таҳо қишлоғида туғилган. Машҳур Азд қабиласининг Ҳажр уруғидан бўлганлиги боис одатда насабига улар ҳам қўшилади.

Имом Таҳовий Яман қабиаларидан ҳисобланмиш Ҳажрул Азд[1] қабиласидан ҳисобланади. У кишининг аجدодлари Мисрда (фатҳ қилингандан сўнг) яшаганлар. Азд бир неча қабиаларни ўз ичига олган бўлиб, Ҳажр ҳам ана шундай қабиалардан бири ҳисобланади. Маслама ибн ал-Қосим ал-Қуртубий ўзларининг “Сила” номи билан машҳур бўлган китобида Абу Жаъфар Таҳовийнинг насабларини қуйидагича келтиради: “Имом, муҳаддис, факих, ҳанафий, ҳофиз Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ибн Абдулмалик ибн Салама ибн Сулайм ибн Сулаймон ибн Жавоб ал-Аздий ал-Ҳажрий ал-Мисрий Абу Жаъфар Таҳовий”.

Ҳофиз ибн Асокир алломанинг насабларини Сулаймгача, Ибн Халликон эса Абдулмаликкача зикр қилганлар[2].

У киши Нил дарёси ғарбий соҳилида Мисрнинг “Таҳо” шаҳарчасида туғилганлар[3]. Бадриддин Айнийнинг (ваф. 855/1451 й.) айтишича, Имом Таҳовий нисбаси Мисрнинг юқори қисмидаги Ашмуний[4] ишчиларига нисбатан айтилади. Доктор Абдулмажид Маҳмуд Таҳо шаҳри борасида чуқур тадқиқот олиб бориб, Айнийнинг фикри тўғри, деган хулоса келади ва “Таҳовийнинг нисбаси бериладиган Таҳо қадимий қишлоқ бўлиб, ҳозирда у Минё шаҳри чеккасидаги Самалут худуди марказига яқин жой бўлиб, Таҳо ал-ъмида номи билан аталади”, дейди[5]

У кишига Жийзада истиқомат қилганлиги учун Жийзий нисбаси ҳам берилади[6].

Уламолар алломанинг туғилган йили борасида ихтилоф қилганлар ва бир неча тоифаларга бўлинганлар.

Бир тоифа: Ибн Халликон ва Тамимий 228- йил туғилган дейишган.

Ёқут Ҳамавий ва Аммодалар: “239-йил туғилган”, дейишган. Абу Саид ибн Юнус “Менга Таҳовий 239 санада туғилдим деб айтди”, дейди. Ибн Асокир дақиқ иборалар билан у кишининг туғилишларини белгилаб айтади: “Баъзи аҳли илмлар Абу Жаъфар Таҳовийнинг туғилишларини 239 сана робиъул аввал ойининг 10 куни дейишади ва шунга кўра мутақаддим тарихчилар Ёқут Ҳамавий ва бошқалар туғилишларини белгилашади”. Ибн Касир ҳам “Ал-Бидоя ван-нихоя”да ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари[8] мана шу санани айтадилар. Шунингдек, Имом Заҳабий ва Абул Маҳосинлар ушбу фикрни келтирганлар.

Бир тоифа: Ибн Касир[9] ва баъзи уламолар “Аманил ахбар фий Шарху маъонил-осор”нинг муқаддимасида 229 йил туғилган дейишган[10]. Мисрлик Бадриддин Айний (ваф. 855/1451 й.) “Нухабул афкор”да шундай дейди: “Самъоний айтади: “Таҳовий 229/844 йилда туғилган. Мана шу саҳиҳдир”. Ушбу ривоят Ибн Асокир Ибн Юнусдан қилган ривоятга хилофдир. Бу ривоятлардан қайсидир бири асоссиз эканлиги аниқдир. Лекин иккинчи ривоят мусаннифнинг ўзларининг хатлари билан ёзилган. Абу Саид Самъоний “229/844 йил туғилган”, дейди. Ушбу ривоят саҳиҳдир. Укиши ўнинчи робиъул аввал душанба куни таваллуд топганлар”, дейди.

Ибн Касир шундай дейди: “Абу Жаъфар Таҳовий Мисрнинг юқори қисмида жойлашган Таҳо қишлоғига нисбат берилади. Укиши ҳанафий фақиҳ, кўп фойдали асарлар соҳиби, сиқа ва ҳофиз инсонларнинг бири, Музанийнинг жияни (синглисининг ўғли)...”. Абу Саид Самъоний у кишини 229/844 йили туғилганлар дейдилар. Шу гапга кўра у киши тўқсон ёшдан кўп яшаганлар”. Демак Ибн Касир ҳам ушбу санага тўхтаганлар.

Бадриддин Айний (ваф. 855/1451 й.) қуйидаги маълумотларни келтиради: “Ушбу ривоятга кўра, Имом Таҳовий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганларида йигирма етти ёшда бўлган. Чунки, Имом Бухорий 256-х йилда вафот этган. Имом Муслим ибн Ҳажжож вафот этганларида у кишининг ёши ўттиз икки ёш бўлган. Чунки, Имом Муслим 261-х йилда вафот этган. Имом Таҳовий ўзлари қилган ривоятларда бу кишига шерик бўлган. Абу Довуд вафот этганларида у кишининг ёши қирқ олти ёш бўлган. Чунки, Абу Довуд 275-х йилда вафот этган. Имом Таҳовий ўзлари қилган ривоятларда бу кишига ҳам шерик бўлган. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий вафот этганларида у кишининг ёши эллик ёш бўлган. Чунки, Имом ат-Термизий 279-х.

йилда вафот этган. Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ан-Насоий вафот этганларида у кишининг ёши етмиш тўрт ёш бўлган. Чунки, Имом Насоий 303-х. йилда вафот этган. Имом Таҳовий ўзлари қилган ривоятларда бу кишига ҳам шерик бўлган ва бу кишидан ҳам баъзи ривоятларни келтирган. Муҳаммад ибн Язид ибн Можа вафот этганларида у кишининг ёши қирқ тўрт ёш бўлган. Чунки, Ибн Можа 273-х. йилда вафот этган. Имом Таҳовий ўзлари қилган ривоятларда бу кишига ҳам шерик бўлган. Имом Аҳмад ибн Ханбал вафот этганларида у кишининг ёшлари ўн икки ёш бўлган. Чунки, Аҳмад ибн Ханбал 241-х. йилда вафот этган. Яҳё ибн Маъин вафот этганларида у кишининг ёшлари тўрт ёш бўлган. Чунки, Яҳё ибн Маъин 233-х. йилда вафот этган”.

Ҳофиз Муҳаммад ибн Абдулғани ибн Абу Бакр ибн Нуқота ал-Бағдодий ҳам ўзларининг “Ат-тақйид лимаърифати руватил асанид”, деб номланган китобларида у кишининг туғилган йилини 229/844 йил деб айтади.

Кўриб турганингиздек, Имом Таҳовий юқоридаги улуғ хофиз имомлар билан замондош бўлган ва баъзилари билан ривоятда шерик бўлган. Мисол учун, Имом Таҳовийнинг шайхларидан бири Ҳорун ибн Саид ал-Аблйдан Имом Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Абу Ҳотамлар ривоят қилишган. Имом Таҳовийнинг шайхларидан яна бири Робий ибн Сулаймон ал-Жийзийдан бўлса Абу Довуд, Насоий ва Абдуллоҳ ибн Ҳамадонлар ривоят қилганлар.

Имом Таҳовий илм ва салоҳияти билан машҳур, зиёли оилада туғилган. Бу оила юқори Мисрда катта обрў-эътиборга эга бўлган. Оила раҳбари Муҳаммад ибн Салама ўз замонасида етук адабиётчи, шеъриятда моҳир, билимдон ва фозил киши бўлган. Онаси эса Имом Шофеъийнинг шогирди Музанийнинг синглиси бўлиб, олима, фақиҳа ва солиҳа аёл сифатида машҳур бўлган. Имом Суютий Мисрдаги шофеъий фақиҳлари қаторида Таҳовийнинг тоғасини ҳам зикр қилиб ўтган. Кўриниб турибдики, Имом Таҳовий тақводор оила ва салоҳиятли хонадонда вояга етган.

Таҳовий илк таълимни, ўқиш-ёзишни отасидан ўрганди. Сўнг имом Абу Закариё Яҳё ибн Муҳаммад ибн Амрнинг қироат дарсларига қатнашди. Таҳовий бу ерда Қуръони каримни тўлиқ ёд олди. Сўнг отасининг илмий дарсларига қатнаша бошлади. Отасидан илм ва адабиётнинг маълум бир қисмини, Шофеъий фикҳи асосларини ўрганди. Сўнг тоғаси Музаний, яъни Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеъийнинг шогирди, ҳам дўсти қўлида мазҳаб илмларини мукаммал ўрганди.

У тенгдошлари ичида ёдлаш қобилиятининг кучлилиги ва фаҳмининг тезлиги, Қуръони каримни пухта ёдлаши ила ажралиб турган. Таҳовийга Қуръони каримдан бошланғич илм берган ва ёзишни ўргатган имом Закариё Яҳё ибн Муҳаммад ибн Амр дир. Сўнгра у фикҳ ва усулда пешқадам бўлган отасининг илм ҳалқасида иштирок этиб, фикҳдан дарс олади.

Абу Жаъфарат-Таҳовий ёшлигида бошлангич таълимни тоғаси, яъни Шофёийлик мазхабининг машхур олими Исмоил ибн Яхё ал-Музаний (791-877) олдида ўзлаштирарди. Шу билан у ёшлигидан ханафий фақиҳларининг асарларини ҳам мутолаа қиларди. Сабаби тоғаси Абу Ҳанифа (699-767) ва унинг асҳобларининг китобларини кўп ўқир эди. Жиянининг ишидан жаҳли чиққан Имом ал-Музаний: “Сендан ҳеч нарса чиқмайди!” деб қасам ичиб юборади. Аслида Имом ал-Музанийнинг ўзи ҳам ханафийларнинг асарларини кўп ўқир эди.

Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шурутий (X аср) Абу Жаъфар ат-Таҳовийдан “Нимага мазхабингизни ўзгартирдингиз?” деб сўраганида, у: “Тоғам доим Абу Ҳанифа ва унинг асҳоблари китобларига қарайвергани сабабли”, деган эди. Доктор Абдурраҳмон Умайра “Шарҳ ал-ақида ат-Таҳовия”га ёзган таълиқи муқаддимасида қуйидагиларни ёзган: “Бизнинг фикримизча у кишининг Абу Ҳанифа раҳматуллоҳнинг мазхабига ўтишининг асосий сабаби, ўша вақтдаги одамлар зехнида бу мазҳаб ҳақида жуда яхши тасаввур бор эди. Чунки, бу мазҳаб кенг фикрли бўлиши билан бирга хужжати ҳам кучли эди. Янги пайдо бўлган масалаларда тез ва қониқарли жавоб бериларди. Шу каби омиллар Таҳовийга таъсир қилган”.

Ҳанафийлик мазхабига кўнгили қўйганлигига яна бир сабаб Абу Жаъфарат-Таҳовийнинг онаси унга ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида вафот қилган. Қорнида бола қимирлаётганини сезган ханафий олимлар қорнини кесиб, болани чиқариб олишга фатво берадилар. Имом ал-Музаний бошлиқ шофёий олимлари бундай қилмасликни ёқлаб чиқадилар. Ҳанафийлар қозиси, фақиҳлари билан бирга қаттиқ туриб олганликлари сабабли Абу Жаъфарат-Таҳовий тирик қолган эди.

Тоғасини тарк этганидан сунг Абу Жаъфар ибн Абу Имрон Ҳанафийдан (ваф.331) дарс ола бошлаган экан.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий шу зайлда ханафийлик мазхабига ўтади ва ханафий фақиҳларидан мужтаҳиди мунтасаб даражасигача етади. Бу Имоми Аъзамдан кейинги унинг Абу Юсуф (731-798), Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805) каби асҳобларининг табақаси эди. Баъзи тадқиқотчилар уни учинчи табақа фақиҳлари қаторига қўядилар.

Кейинчалик Абу Жаъфар ат-Таҳовий юртининг энг таниқли фақиҳи, мушкул саволларга қийналмай жавоб берувчи иқтидор соҳиби, мунозараларда ханафийликнинг энг кучли ҳимоячиси бўлиб етишди. У ўзининг фикҳий матн китоби “Мухтасар”ни ёзган вақтида: “Агар тоғам буларни кўрганида, қасамининг бузилгани учун каффорат тўлаган бўларди!” деб фахрланган эди. Абу Жаъфар ат-Таҳовий фикҳни асосан Абу Жаъфар Аҳмад ибн Имрон (вафоти 280/893)дан олади. Сўнг Шомга сафар қилиб, қози ал-қузот Абу Ҳозим

Абдулхамид ибн Абдулазиз (вафоти 292/905) олдида ҳам таҳсил олади. Бу қозикалон ҳанафий олими Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805)нинг шогирдларидан Исо ибн Аббон (вафоти 221/835)нинг шогирди эди. Кейин Ҳорун ибн Саид ал-Ирбилий (IX аср иккинчи ярми)дан ҳам сабоқ олган.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий, айниқса, ҳадисшунослик соҳасида маҳорат касб қилади. Мисрда жуда кўп муҳаддислардан ҳадислар тинглаб, имло қилади ва ҳифз қилиб олади. Аллома Жалолиддин ас-Суютий (1445-1505) “Ҳусн ал-муҳозара” асарида Абу Жаъфар ат-Таҳовийни ҳадис ҳофизларидан бири, ҳадис ривоятида ишончли ва маҳкам зот, фақиҳ, ундан сўнг унга ўхшаши чиқмаган, Мисрдаги ҳанафийларнинг бошлиғи сингари мақтовлар билан зикр қилган. Унинг ҳадис соҳасидаги устозларидан Али ибн Маъбад ибн Нуҳ ал-Бағдодий (вафоти 259/873), Ҳорун ибн Саид ал-Ийлий (787-867), Юнус ибн Абдулаъло Абу Мусо ас-Садафий (787-877), ар-Рабиъ ибн Сулаймон ал-Муаззин ал-Жийзий (797-869), Абу Бакра Баккор ибн Қутайба ал-Бакровий (798-884), Муҳаммад ибн ал-Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Ҳазрабий (817-910), Баҳр ибн Наср ал-Хавлоний (798-880), Муҳаммад ибн Хузайма (838-924) каби ишончли ҳадис ровийларини кўрсатиш мумкин.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий муҳаддис устоз сифатида Абу Бакр ал-Бурдабий (вафоти 350/961), “Мўъжам”лар соҳиби муҳаддис Абулқосим Сулаймон ат-Табароний (873-973), “Маъоний ал-асор”ни устозидан эшитиб, нақл қилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Муқиррий (898-991), “Ақидатат-Таҳовий”ни биринчи ривоят қилган Маймун ибн Ҳамза (X аср), Юсуф ибн Қосим ал-Миёнжи (901-985), тўққиз нафар Гандар лақабли ҳадис ровийларидан иккинчиси Муҳаммад ибн Жаъфар Гандар ал-Варроқ (вафоти 370/980) сингари олимларга сабоқ берган.

Кейинчалик Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ юртининг энг таниқли фақиҳи, мушкул саволларга қийналмай жавоб берувчи иқтидор соҳиби, мунозараларда ҳанафийликнинг энг кучли ҳимоячиси бўлиб етишди.

Ҳадис, фикҳ ва ақида илмларини ўрганиш, тадвин қилиш милодий саккизинчи аср охири, тўққизинчи аср бошларига келиб кенг кўламда тарқала бошлади. Буларни ўрганиб, ўзидан кейинги авлодларга ўргатишда Таҳовий ҳам бемисл из қолдирган уламолар сингари салмоқли ўрин эгаллайди.

Имом Таҳовий буюк фақиҳ, тадқиқотчи, муҳаққиқ олим, ҳанафий мазҳабининг энг йирик намояндаларидан бири, учинчи мужтаҳидлар табақасининг вакили[11], бир қатор мўътабар китоблар муаллифидир. Ҳадис илмидаги мавқеини кўрсатган ҳолда, таъдил илми олимлари уни “Сикат ал-исбат” (ишончлилар ишончлиси), “Ҳуффаъ” (кучли хотира эгаси), “Набил” (забардаст олим), “Сабат” (қатъий, матонатли) каби сифатлар билан муҳаддисларнинг ўн биринчи табақасида[12]зикр қилганлар.

Имом Бадриддин Айний ўзларининг “Нухабул афкор” китобларида шундай дейдилар:

“Имом Таҳовийнинг ишончли эканликлари, диёнатлари, омонатлари, етук фазилятлари, ҳадис илмидаги ўринлари, унинг носих ва мансухларини ажратувчи эканликларида барча инсонлар ижмоъ қилишган, бирор киши бу борада хилоф қилмаган”.

Маслама ибн Қосим ал-Қуртубий “Сила” номли китобларида: “Таҳовий ишончли, кадри улуғ, фақиҳ, уламолар ихтилофларини билувчи ва бир қанча асарлар соҳибидир”, деб айтади[13].

Имом Таҳовий ҳадис илмида ишонли (сиқа) инсон эканлигини ва ушбу илмда етук олим эканлигини барча эътироф этади. Бундан ташқари у киши барча мазҳаб илмларини мукамал эгаллаб, ҳанафий мазҳаби далиллари асосли эканини ва бу мазҳабга таъна қилиб отилаётган “асҳоби раъй” (ўз фикрига суянувчилар) деган даъво нотўғри эканлигини исботлаб берган.

Бадриддин Айний Имом Таҳовий ҳақида жуда кўп уламоларнинг мактовларини келтирганларидан сўнг ўзлари қуйидаги сўзларни айтади: “Имом Таҳовийни зикр қилган барча муҳаддис ва муаррихлар у киши шаънларига мактовлар айтишган. Масалан, Табароний, Абу Бакр ал-Хатиб, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳумайдий, Ҳофиз ибн Асокир, Ҳофиз Абул Ҳажжож ал-Миззий, Ҳофиз Заҳабий, Имодуддин ибн Касир ва бошқа бир неча уламолар”.

Имом Заҳабий “Сияр аълам ан-нубала” асарида шундай дейдилар: “Таҳовий имом, аллома, ҳофиз кабир, Миср диёри муҳаддиси ва фақиҳи... Кимки бу кишининг ёзган асарларига назар солса, у кишининг илм-маърифатдаги даражасини юқорилигини тушунади”.

Ибн Касир “Ал-Бидоя” асарида: “У ҳанафий фақиҳ, кўп фойдалар жамланган асарлар соҳиби, сиқа, собит, билимдон ҳофиз инсонларнинг бири”, деган.

У зот ўзларининг фикҳий матн китоби «Мухтасар»ни ёзган вақтида: «Агар тоғам буларни кўрганида, қасамининг бузилгани учун каффорат тўлаган бўларди!» деб фахрланган эдилар.

У кишининг муаллафотлари ва асарлари:

–Имом ат-Таҳовий инсофли киши инкор қила олмайдиган ажойиб китоблар мажмуасини қолдирган. У китоблар ила исломий ва арабий кутубхоналар фахр қиладилар. Баъзиларини зикр қиламиз:

1. «Ақийдатут Таҳовий»–бу китобда Имоми ат-Таҳовий саҳобаларнинг ва улардан кейин ўтган Имом Абу Ҳанийфа раҳимаҳуллоҳ, Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний раҳимаҳуллоҳларга ўхшаш кишиларнинг ақийдасини жамлаган. Бу китобга кўплаб уламолар шарҳ ва таълиқлар ёзганлар. У ўн марталаб чоп этилган. Араб давлатларидаги олий

ўқув юртларида ўқув қўлланмаси сифатида қабул қилинган. Ҳа, кейинги ҳанафийлар ўзларининг салафи солиҳ имомларининг мазҳабларини тарк этиб файласуф ва мутақаллимларнинг фикрини олган бўлсалар ҳам шундоқ бўлган.

2. «Аҳқомул Қуръон» йигирма жуздан кўп.

3. «Маъоний ал-Осорнинг шарҳи» Икки жуз. Ҳадис бўйича. Кўпгина мусаннифлар бу китоб ҳадис илмида ёзилган энг яхши китоблардан бири эканини эътироф қилганлар. Бу эса ўз навбатида имом ат-Тоҳавийнинг энг улуғ муҳаддислардан эканлигига далилдир. Бу китобда у киши ажойиб бир услубни ишлатганлар. Баҳслар ва мазҳабларнинг далиллари билан бирга келтирадилар. У киши ўз баҳси давомида ихтилофли масалаларни келтирадилар, муноқаша қиладилар ва ўз тадқиқотининг хулосасини келтириб, сўнгра ўзига тўғри кўринган нарсани айтадилар.

4. «Баёни мушқулул Осор», етти жуз. Тўрт жузи чоп қилинган. Бу у кишининг ҳадис бўйича охириги китобидир.

5. «Мухтасари ат-Таҳовий» номи билан машҳур фикҳ бўйича мухтасар китоби. Унинг бир неча шарҳлари бор.

6. Шарҳи Жомиъус Сағир.

7. Шарҳи Жомиъул Кабийр.

8. Шурутул Кабийр, Шурутул Мутасовит, Шурутус-Сағийр.

9. Ҳадис бўйича ал-Муҳозир, ас-Сижиллот, ал-Васоё ва ал-Фароиз. Тўрт жуз.

10. Имом Абу Ҳанийфа сифатлари ҳақидаги китоб.

11. Китобу ат-Тариқ ал-Кабир.

12. Китобул-Наводирул фикҳийя. Ўн жуз.

У кишининг ҳадис, тафсир, ақийда, фикҳ, сийрат ва тарих бўйича ёзилган, чоп қилинган ва қўл ёзма ҳолдаги китоблари сони йигирмадан ортади.

У кишининг вафотлари:

Имом ат-Таҳовий умрини яшаб, ажал етганда бутун дунёни илми, дарслари, тақвоси билан тўлғизгандан кейин 321 ҳижрий санада ўз Роббиси живорига сафар қилдилар. Аллоҳ таоло у кишини Ўзининг кенг раҳматиға олсин, у кишидан рози бўлсин.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий (229-321/843-933)

Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ Мисрда 321 йил 5 зулқайда (933 йил 27 октябрь)да вафот қилганлар. Қарофа кишлоғида (Миср) дафн қилинади.

Ибн Халликон ўзларининг “Вафаётул аъён” асарида Имом Таҳовийнинг таржимаи ҳолларида шундай дейди: “Имом Таҳовий 321-х. йили, зулқайда ойининг аввали, пайшанба куни тунда Мисрда вафот топган. Қарофа қабристонига дафн қилинган. Қабрлари эса у ерда жуда ҳам машҳурдир”.

Имом Бадриддин Айний (ваф. 855/1451 й.) “Нухабул афкор”да: “Миср уламолари ҳақида ёзилган бир тўпламда шундай дейилганини кўрдим: “Абу Жаъфар Таҳовийнинг қабри “Хандақ”дан “Масжиди Маҳмуд” томонга ўтсанг, шарқий ўнг томондаги машҳур катта қабрдир”, деган. “Хандақ”, “Масжиди Маҳмуд” булар тарихий атамалардир. Лекин ана ўша тарих белгилари ҳозир йўқ бўлиб кетган. Бугунги кунда Имом Таҳовийнинг қабрлари Имом Шофёрий қабрларига олиб борувчи йўлнинг ўнг томонидаги унга параллел равишда кетган йўлда жойлашган. Ана шу кўчада Имом Таҳовийнинг ҳашаматли мақбараси мавжуд. Қабрлари устида тарихлари ёзилган ҳайбатли қабр тоши бор”.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. “Азд” Қаҳтония (Жанубий) арабларининг катта қабилаларидан бири бўлган.
2. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-ҳовий фи сийрати ал-имам Абу Жаъфар ат-Таҳовий. – Қоҳира. 1368 ҳ. – С. 2.
3. Ибн ал-Ҳанаий Алауддин Али ибн Амруллоҳ ал-Ҳумайдий. Табақоту-л-ҳанафия. Доктор Муҳи Ҳилол ас-Сарҳан таҳқиқ қилган. Девону-л-вақф Бағдод 1426/2005. Иккинчи китоб. – С. 25-27.
4. Миср республикаси, Малави вилояти. Нил дарёси ғарбидаги жой номи.
5. Шуайб Арнаут. Мушкилул-осор. – Байрут: Муассасат ар-Рисала, 1994. – С.35.
6. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-ҳовий фи сийрати ал-имам Абу Жаъфар ат-Таҳовий. – Қоҳира. 1368 ҳ. – С. 28.
7. Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 15.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Талхиси шарҳи ал-Ақидатут Таҳовия таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.– Б. 3.
9. 230 – ҳижрий санада вафот етган.
10. Таҳовий. Аҳкам ал-Қуран ал-Карим. – Истанбул:1990. – С.13
11. Аҳмад Саъид Ҳавва. Ал-мадҳал ила мазҳаб ал-имам Абу Ҳанифа ан-Нуъман. – Жидда: Дар ал-Андалус ал-хазро, 2002. – С. 407.
12. Муҳаммад Заҳабий. Тазкира ал-хуффаз. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2007. – С. 21.
13. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-ҳовий фи сийрати ал-имам Абу Жаъфар ат-Таҳовий. – Қоҳира. 1368 ҳ. – С. 8